



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2024

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлоқ
хужалиғини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далам педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети


1. Жаҳонгирбек Жонқобилов СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	4
2. Обиджан Мадаминов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
3. Акмал Менглибоев СУРХОН ВОҲАСИДА 1921-1922 ЙИЛЛАРДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КУЧАЙИШИ.....	15
4. Baxtiyor Nazirov XOTIN-QIZLAR SPORTINI RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI VA MAVJUD MUAMMOLAR.....	22
5. Mukhiddinjon Primov O‘ZBEKISTONDA KARTOGRAFIK FAOLIYATNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALARNING QO‘LLANILISHI.....	28
6. Asror Raximov QARSHI CHO‘LI TARIXIGA NAZAR.....	35
7. Kamoliddin Toshov IKKINCHI JAHON URUSH YILLARIDA SURXONDARYO VILOYATI AHOLISINING G‘ALABAGA QO‘SHGAN MUNOSIB HISSASI.....	42
8. Sanjarbek Shoyimov SOVET-AFG‘ON URUSHIDA O‘ZBEKISTONNING ISHTIROKI VA URUSHNING U UCHUN SALBIY OQIBATLARI.....	49
9. Ikrom Xudayberdiyev DYURAND CHEGARA CHIZIG‘IGA AFG‘ONISTON VA POKISTONNING MUNOSABATI.....	57
10. Иззат Юсупов МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” БУХОРО САМАРҚАНД ВА НАВОИЙ ФИЛИАЛЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	63
11. Шерзоджон Чориев АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	69
12. Мардон Хасанов ХОРАЗМДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАР (ХРИСТИАНЛИК МИСОЛИДА).....	76



Мардон Максудович Хасанов,
Урганч давлат университети ўқитувчиси
Урганч, Хоразм, Ўзбекистон
khmardoniy@gmail.com

ХОРАЗМДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАР (ХРИСТИАНЛИК МИСОЛИДА)

For citation: Mardon M. Khasanov. RELIGIOUS BELIEFS IN PRE-MUSLIM KHOREZM (ON THE EXAMPLE OF CHRISTIANITY). Look to the past. 2024, vol. 7, issue 1, pp.76-85

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10614773>

АННОТАЦИЯ

Илк ўрта асрларда Хоразмга христианлик динининг кириб келиши ўзига хос, шунинг билан бирга мураккаб тарихга эгадир. Ёзма ва археологик тадқиқотлар давомида аниқланган ашёвий манбалар ўрта асрларда воҳа ҳудудида шарқий христианларнинг катта жамоаси истиқомат қилганидан гувоҳлик беради. Ўрта Осиёнинг жанубий чегараларига яқин ҳудудларда жойлашган жамоалар бу ерда насронийликнинг тарқалишида катта роль ўйнашган.

Мазкур мақолада илк ўрта асрларда, яъни исломдан олдинги даврда Хоразмда мавжуд бўлган православ христианлигининг меликийлик мазҳаби, унинг бу ерга кириб келиши ва воҳа ҳудудида бу дин жамоаси вакилларининг ўзига хос ўрни бўлганлиги таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Хоразм, Миздахқон, христианлик, меликийлар, Халкедон собори, хвалис, қаландас, Византия, Абу Райҳон Беруний, хоразмшоҳ Савшафан, оссуарий.

Мардон Максудович Хасанов,
Преподаватель Ургенчского государственного университета
Ургенч, Хорезм, Узбекистан
khmardoniy@gmail.com

РЕЛИГИОЗНЫЕ ВОЗЗРЕНИЯ В ДОМУСУЛЬМАНСКОМ ХОРЕЗМЕ (НА ПРИМЕРЕ ХРИСТИАНСТВА)

АННОТАЦИЯ

Появление христианства в Хорезме в раннем средневековье имеет уникальную и потому сложную историю. Материальные источники, выявленные в ходе письменных и археологических исследований, свидетельствуют о том, что в средние века на территории оазиса проживала крупная община восточных христиан. Большую роль в распространении здесь христианства сыграли общины, расположенные в регионах вблизи южных границ Средней Азии.

В данной статье анализируется секта меликитов православного христианства,

существовавшая в Хорезме в раннем средневековье, т. е. в доисламский период, ее приход сюда, а также особое место представителей этой религиозной общины в оазисе.

Ключевые слова: Хорезм, Миздахкан, христианство, меликиты, Халкедонский собор, хвалис, каландас, Византия, Беруни, хорезмшах Савшафан, оссуарий.

Mardon M. Khasanov,
Lecturer at Urgench State University
Urgench, Khorezm, Uzbekistan
khmardoniy@gmail.com

RELIGIOUS BELIEFS IN PRE-MUSLIM KHOREZM (ON THE EXAMPLE OF CHRISTIANITY)

ABSTRACT

The appearance of Christianity in Khorezm in the early Middle Ages has a unique and therefore complicated history. Material sources identified during written and archaeological research indicate that in the Middle Ages a large community of Eastern Christians lived on the territory of the oasis. Communities located in regions near the southern borders of Central Asia played a major role in the spread of Christianity here.

This article analyzes the Melikite sect of Orthodox Christianity that existed in Khorezm in the early Middle Ages, i.e., in the pre-Islamic period, its arrival here, as well as the special place of representatives of this religious community in the oasis.

Index Terms: Khorezm, Mizdakhkan, Christianity, Melikites, Chalcedonian Cathedral, hvalis, qalandas, Byzantium, Beruni, Khorezmshah Savshafan, ossuary.

1. Долзарблиги:

Илк ўрта асрларда Хоразмга христианлик динининг кириб келиши ўзига хос, шунинг билан бирга мураккаб тарихга эга. Ёзма ва археологик тадқиқотлар давомида аниқланган ашёвий манбалар ўрта асрларда воҳа ҳудудида шарқий христианларнинг катта жамоаси истиқомат қилганидан гувоҳлик беради. Ўрта Осиёнинг жанубий чегараларига яқин ҳудудларда жойлашган жамоалар бу ерда насронийликнинг тарқалишида катта роль ўйнашган.

Рим империясининг шарқий музофотларида милоннинг дастлабки асрларида вужудга келган христианлик вақт ўтиши билан кўплаб халқларнинг диний мафқурасига, кейинчалик эса империянинг давлат динига айланди. Шундан кейин христианликда турли хил мазҳаблар, йўналишлар пайдо бўлишни бошлайди. Черковнинг асосий қарашлари, қонунларини қабул қилмаганлар империя сарҳадларидан ташқарига, асосан Шарқга – Эрон, Марказий Осиё, Шарқий Туркистондан то Хитойгача бўлган ерларга бош олиб кетишади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг жанубий чегараларига яқин ҳудудларда жойлашган жамоалар бу ерда насронийликнинг тарқалишида катта роль ўйнашган. Византия, Сурия, Фаластин ва Эрондан Марказий Осиёга кўчиб келганлар ўзлари билан биргаликда ўз маданияти ва санъати, шунингдек янги диний таълимотларини ҳам олиб келишган.

2. Методлар ва мавзунинг ўрганилиш даражаси:

Хоразмга насронийлик динининг кириб келиши, ўрнашиши ва ривожланиши тарихи бўйича манбаларнинг ҳилма-ҳиллиги турли умумфан ва торфанли тадқиқот методларидан (муаммоли хронологик, тарихий-қиёсий, тарихий-баён ва б.қ.) фойдаланишни белгилаб берди.

Марказий Осиёда христианликнинг тарқалиши муаммоси аллақачон мутахассисларнинг эътиборини жалб қилган. Бу бўйича биринчи иш Еттисувдан сурёний несторианларининг қабр тоши топилиши муносабати билан шарқшунос В.В. Бартольд томонидан ёзилган [1]. Кейинчалик В.В. Бартольд ушбу масалага Мовароуннахрнинг мўғуллардан олдинги тарихини ёзиш асносида кўп маротаба мурожаат қилади [2]. Марказий Осиёнинг жанубий ва шарқий вилоятларига христианликнинг кириб келишини шарқшунос

IV асрга олиб бориб тақайди. Хоразмда христианлар жамоасининг яшаганлиги ҳақида эса С.П. Толстов ва В.Н. Ягодинлар ўз асарларида алоҳида тўхталиб ўтганлар [3] [4].

3. Тадқиқот натижалари:

Хоразм аҳолиси орасида христианлик дини мавжуд бўлганлиги ҳақидаги энг дастлабки ёзма хабарни биз 1891 йилда де-Боор томонидан нашр қилинган Дорос (Крим) митрополияси епископиялари рўйхати – “Noticia episcopatum”дан топамиз [3, б.90]. Нашр муаллифи томонидан VIII асрга нисбат берилган ушбу ҳужжатда Дорос митрополияси таркибидаги етти епископлик санаб чиқилади ва ундаги учинчи – хвалис епископлиги алоҳида эътиборни тортади. Рўйхатда номи тилга олинган хвалис епископлик кафедраси ва умуман “Хвалис” атамаси анчадан бери қатор тарихчи олимлар асарларида Хоразм номининг ўзи деб қаралади. Бундан ташқари, илк ўрта асрларда рус тарихчилари томонидан Каспийнинг Хвалис денгизи, ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз” асарида эса Хоразм денгизи деб номланиши “Хвалис – бу Хоразмнинг айнан ўзи” деган фикрни яна ҳам аниқлаштиради.

Дорос митрополияси – Константинопол патриархатига қарашли бўлиб, Хазар хоқонлиги (ва Хоразм)даги христианликни янги қабул қилганларни бирлаштирган митрополия ҳисобланган. Митрополия узоқ яшамаган, эҳтимол у фақат миссионерлик лойиҳаси бўлган. Унинг ташкил этилиши Византиянинг Хазария ва унга яқин ҳудудларни ўз таъсир доирасига тортишга интилганини билдиради. Бу уриниш хазарлар яҳудийлик динини қабул қилгач ҳамда IX аср охирига бориб византия-хазар муносабатлари таранглашгач, муваффақиятсизликка учрайди.

Дорос митрополияси епархияси рўйхатида қайд қилинган Хвалис епархиясига асос солиниши факти Хоразмга христианлик дини кириб келишини эмас, балки бу ерда христианлик маъмурий-черков сифатида аллақачон мустаҳкам қарор топганлигини билдиради. Шундан келиб чиқиб мулоҳаза қилинадиган бўлса, шарқий христианлик Хоразм воҳасига VIII асрдан анча олдин кириб келгани ойдинлашади. Христианларнинг улкан жамоаси яшаган Миздахқон шаҳри материалларини чуқур ўрганган археолог В.Н. Ягодин бу ходиса VII аср охири – VIII асрнинг биринчи ярмида содир бўлган, деган тўхтама келган [4, б.152].

Хоразмдаги христианлар тўғрисидаги кейинги энг қимматли ва жуда ажойиб маълумотлар X-XI асрларнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Берунийнинг турли халқларнинг тақвимларига бағишланган машҳур асаридаги “меликий христианларнинг тақвимий маросимлари” бобида келтирилади [5]. Африқийлар давлати пойтахтидан бўлган олимнинг бизга қолдирган хабарлари бебаҳолиги шундаки, буларни у айнан хоразмлик меликий христианлардан (улар араблар фатҳидан кейин ҳам бу ерда яшашда давом этган) олган маълумотлари асосида беради.

Бошқа барча ўрта аср мусулмон муаллифлари [6, б.37-38] каби Беруний ҳам христианларни асосан уч мазҳабга ажратади: меликийлар (яъни румликлар), несторийлар ва яъқубийлар. Меликийларнинг бундай ном билан аталишига сабаб шуки, Рум ҳукмдори ва унинг халқи шу мазҳабда бўлган. Берунийнинг қайд этишича, Византияда булардан бошқа насронийлар гуруҳи бўлмаган ва христианларнинг нуфус жиҳатидан иккинчиси бўлган несторианлар эса Шом, Ироқ ва Хуросон атрофларида яшашган [5, б.320].

Шундан сўнг Беруний “Хоразмдаги меликийлар томонидан сурёнийларнинг ойларида нишонланадиган кунларни” баён қилишга ўтади. Олимнинг бу жумлалари унинг давридаги Хоразмда византиялик христианлар яшганлигидан дарак беради. Беруний ўзининг “Сайдана” асарида айтганидек, ёшлигида бир румликдан унинг тилида турли ўсимликлар қандай аталганини ёзиб олганини эътиборга олсак, юқоридаги фикр ўринли бўлади [5, б.320,529].

“Осорул боқия” асари қолдирган қуйидаги маълумот Хоразмда узоқ вақтлардан бери ўз ибодатхоналарига эга бўлган меликий христианларнинг катта жамоаси яшаб келган деган далилни мустаҳкамлайди: “Айяр ойининг тўртинчи кунда “Гул байрами” нишонланади. Бу эски одат бўлиб, Хоразмда ҳам ўтказилади. Шу кун ибодатхоналарга қизил гул келтирилади

[5, б.329]. Агар меликий христианлари тарихига қисқача тўхталиб ўтилса, Беруний хабар берган хоразмлик христианларнинг асли кимлиги ва қаердан келганлиги ойдинлашади. Насронийлар диний эътиқоди тўғрисида асарлар ёзган ўрта аср мусулмон муаллифларининг ҳаммаси бирдек меликийларни византиялик юнонлар эканлигини таъкидлашган. Хусусан, Абдуллоҳ Хошимий 820 йилда шундай ёзади: “меликийлар – булар румликлар. Насронийларнинг несторий мазҳабидагилар эса – мусулмонларга яқинроқ тоифа” [6, б.38].

Христиан оламида меликия ва несториан мазҳабларининг пайдо бўлиш тарихи христиан руҳонийларининг халқаро кенгаши (собори)га бориб тақалади. Халқаро соборда епископлар ва бошқа юқори мартабали руҳонийлар дин ишларидан аҳамиятли бирон масалани ҳал этиш учун тўпланишган. Исо Масих қиёфасида илоҳийлик ва инсонийлик табиати бирлашган, деган ақидани тасдиқлаган тўртинчи халқаро Халкедон собори (451 й.) қарорини қабул қилган Шом ва Мисрнинг ҳар қандай христиани меликийлар номини олган. Византия императорининг илоҳий қарашларига қўшилганлиги ва унга содиқ бўлганлиги учун уларни меликийлар, яъни подшо одамлари деб аташган (“малик” – сурёний тилида “подшо”). Меликийлар жамияти одатда юнон колонистлари, Миср ва Суриянинг арабийлашган аҳолисидан иборат бўлган ва улар диний ибодатлариини юнон тилида адо этишган [7].

Маълумки, Византиянинг Яқин Шарққа қизиқиши, унга интилиши узоқ тарихга эга бўлиб, шомлик насронийларнинг Константинополга христиан маркази сифатида мўлжал олиши V асрдан бошлаб уларни Халкедон соборини қўллаб-қувватлашга ундади. Императорлар Юстиниан I (527-565) ва кейинчалик Ираклий (610-641) томонидан Византия мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган Яқин Шарқдаги фаол сиёсат тарихда маълум ва машхурдир. Аниқки, бундай сиёсат юритишда Византия императорлари Константинополга содиқ халкедонийлар (меликийлар) жамоасига суянган ва уларни қўллаб-қувватлаб турган.

IV-V асрларда Фаластинга саёҳат қилган Эгерия исмли зиёратчи кўплаб қизик маълумотларни қолдирган. Унинг айтишича, бу ердагилар грек тилини ҳам, сурёний тилини ҳам билган, лекин епископ доим грек тилида гапирган. Эгериянинг бу ва бошқа хабарлари орқали биз Фаластин христианлари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қиламиз [8, б.221-222].

Шундай қилиб, V асрнинг биринчи ярмида масихийча баҳс мунозараларнинг пайдо бўлиши Олд Осиёнинг турли минтақаларидаги шарқий насронийлар орасида бўлинишни юзага келтирди. Бутун Яқин Шарқда император ҳокимияти томонидан қўллаб-қувватланган халкедон христианлигига эргашганлар меликийлар деб танилди [9, б.190].

Христианлик ғоялари ёйилишига савдо-алоқа йўллари катта хизмат қилган, дин тарғиботчилари савдо қарвонлари билан биргаликда ҳаракат қилишган. Диний тарғиботнинг дастлабки объектлари халқаро савдонинг йирик марказлари аҳолиси бўлганлиги шубҳасиздир. Йирик ва муҳим савдо йўлларининг кесишмасида жойлашгани Хоразм, айниқса ундаги Миздахқон шаҳри ўз мавжудлигининг деярли барча даврларида халқаро савдо-сотикнинг муҳим марказларидан бири бўлиб келганлиги учун шаҳар аҳолиси орасида янги диний қарашлар, хусусан христианлик диний мафқурасининг кириб келиши ва ёйилиши осонроқ кечган.

В.Н. Ягодиннинг таҳмин қилишича, VII аср охири ва VIII асрнинг биринчи ярмида христианлик ғоялари Миздахқон аҳолиси орасига кириб бориб, бу ерда маълум даражада тарқалган [4, б.146]. Ушбу таҳмин учун Миздахқон шаҳри некрополидан топилган саккизта оссуарийда тасвирланган белгилар (хоч ва юлдузлар шаклидан иборат ўзига хос композиция, асос бўлиб хизмат қилади. Буни христианликка алоқадор тасвирлар деб талқин қилиш мумкин. Композициянинг алоҳида элементлари таҳлил қилинса, унинг мазмун-моҳияти ойдинлашади. Барча оссуарийларнинг марказида учлари ён томонга кенгайган хоч тасвирланган бўлиб, унинг юқоридаги учта учи узунаси бўйича деряли тенг, пастки қисми эса бошқаларидан икки баробар узундир.

Илк ўрта асрларда худди шундай шаклдаги хочлар насронийлик дини тарқалган ҳамма жойда турли хил версияларда тасвирланган. Айрим тадқиқотчилар хочнинг бу шаклининг келиб чиқишини шарқий насронийлик билан боғлашади. Чунончи, А.Я. Борисов юқорида

тавсифланган шаклдаги хочларни шарқий византия – “сурёнийча” деб номлайди. Д. Тальбот Райс эса уларни несторианларга мансублайди ва бундай хочлар Эронда пайдо бўлиб, шу ердан Ғарб-у Шарққа ёйилган, деб ҳисоблайди. Марказий Осиёда учлари ён томонга кенгайган хочлар археологик материаллардан маълум ва баъзи муаллифлар уларни несторианлик мазҳаби билан боғлайди. Юқоридаги фикрларни танқид қилмаган ҳолда айтиш мумкинки, останадаги хоч тасвирлари тузилишига кўра кўпроқ византия хочларини эслатиб юборади.

Ўхшаш ҳолатлар (оссуарий ва бошқа дафн идишларида христианча символларнинг борлиги) Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларидан топилган айрим топилмаларда ҳам учрайди. Масалан, Л.И. Ремпель Жамбул шаҳрида хоч тасвири туширилган хумда сақланган суяклар топилмаси ҳақида хабар берган [10, б.110]. Афросиёбда хоч тасвири останада топилгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор [11, б.60].

Бошқа насроний ёдгорликлари билан солиштирилган ҳолда кўриб чиқилган ўхшашликлар Миздахқон оссуарийларидаги хоч тасвирлар – декоратив безак элементлари эмас, балки дафн этилганларнинг христианларга мансублигини билдирувчи диний рамзлар, деб хулоса қилишга имкон беради. Шунини таъкидлаш керакки, юқорида таъриф этилган символ Марказий Осиёда шу даврда мавжуд бўлган бошқа динларнинг ҳеч бирига хос эмас.

Некрополдаги саккизта останадаги насронийларга мансублигини аниқлаш муносабати билан ўша ердаги қолган оссуарийларга дафн этилганларнинг (уларнинг сони юзга яқин) диний мансублиги тўғрисида ҳақли савол туғилади. Бунга аниқлик киритиш учун В.Н. Ягодин айрим останада сақланиб қолган битикларга ва у ерда зардуштийлик исмлари учрамаслигига эътибор қаратади [4, б.149]. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Миздахқон шаҳрида насронийларнинг катта жамоаси яшаган.

Таҳлил қилинаётган композициядаги хочларнинг иккала тарафида жойлашган саккиз қиррали юлдузлар тасвири алоҳида эътибор талаб қилади. Юлдуз шакли илк христиан иконографияси учун одатий ҳолдир. Масалан, хочлар ва юлдузлардан иборат композициялар VIII-X аср Византия муҳрларида учрайди. Юлдуз тасвири сосонийлар санъатида, хусусан уларнинг тангаларида ҳам кўп учрайди [4, б.148]. Шунингдек, илк ўрта асрларда Хоразмда юлдузга хос культларнинг кенг оммалашганини унутмаслик керак. Саккиз қиррали юлдуз тасвири Кўйқирилган қалъадан топилган сопол идишларда ҳам учраши астробелгили символлар зардуштийлик санъатига хослигини ва бу тимсол Хоразмда азал-азалдан яшаб келаётганини билдиради. Демак, Хоразмга келиб ўрнашган шарқий христианлар маҳаллийлашишга мажбур бўлишган.

Христианларга мансуб дафн иншоотлари тўғрисида мулоҳаза қила туриб, В.Н. Ягодин Миздахқон некрополидаги Б-б-1-1 типидagi қабрларга алоҳида диққат қаратади [4, б.150]. Бундай турдаги қабрлар аввалдан тозаланган суякларнинг тупроққа оссуарийсиз кўмилгани билан алоҳида ажралиб туради. VII-X асрларга мансуб бундай турдаги қабрлар Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларидан ҳам топилган. Масалан, шунга ўхшаш қабрлар 1927 йилда Жамбулда (Авлиё Ота) М.Е. Массон томонидан топилган бўлиб, археолог уларни “несторианлар қабри” дея номлайди. Ушбу некрополда кейинги тадқиқотларни олиб борган Л.И. Ремпель бу ерда тупроқ ва сағанага дафн қилинган олдиндан тозаланган суяклар қабрларини аниқлайди [10, б.110]. Улар IX-X асрларга оид бўлиб, М.Е. Массон каби у ҳам қабрларнинг айримларини “христианликнинг несториан мазҳабига эътиқод қилувчи маҳаллий аҳолига”га тегишли, деб ҳисоблайди. Л.Р. Кизласов томонидан Қирғизистондаги Оқ-Бешиш шаҳарчасидан топилган аввалдан тозаланган суяклар қабри ҳам аниқ христианларга тегишли бўлиб, чуқурга устухонлар сурёнийлар хочи тасвирланган идиш билан бирга кўмилган [4, б.150].

Маълумки, суякларни тупроқдан изоляция қилмаган (ажратмаган) ҳолда тўғридан-тўғри ерга кўмиш одати зардуштийлик дафн маросимларига зид келади, Авесто муқаддас тупроқни ўлик қолдиқлари билан заҳарлашни энг мудҳиш жиноят санайди. Шу факт ҳеч қандай изоляция қилинмасдан тупроққа кўмилган аввалдан тозаланган суяклар қабрини зардуштийларга хос эмас, деб билишга имкон беради. Юқорида келтирилган ўхшашликлар,

айниқса оқ-бешим топилмаси Миздахқон қабристонидаги худди шундай кўмишлар (дафн қилишлар) христианлар томонидан амалга оширилган, деб ҳисоблашимизга асос бўлади.

А.Я. Борисов марҳум суяқларини аввалдан тозалаб, кейин уларни дафн қилиш одати фақатгина зардуштийлар орасида эмас, балки яхудийлик ва насронийликка эътиқод қўйган Марказий Осиёнинг бошқа халқлари орасида ҳам мавжуд бўлган бўлиши мумкинлини фараз қилади [12, б.26]. Қадимги Тороз шаҳридаги некрополни тадқиқ қилган Л.И. Ремпель тозаланган суяқларни хум ва сағаналарда сақлаш одати қарлуқлар давридаги маҳаллий несториан христианлари орасида мавжуд бўлган, деган фикрни беради [10, б.110]. Қадимги Марвда оссуарийлар ва сопол идишларга этлардан тозаланган суяқларнинг дафн этилиши насронийлар томонидан амалга оширилгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор [13].

Хоразмга кириб келган насронийлик маҳаллий диний маросимларни ҳам ўзлаштиради. Буни юқорида тавсифланган хоч тасвири туширилган оссуарийларда ҳам кўриб ўтдик. Зардуштийлик ғоялари устун бўлган марказий осиеликлар учун ўликни тупроққа дафн қилиш тақиқланганлиги туфайли маҳаллий шароитга мослашган насронийларнинг аксарияти марҳумнинг суяқларини тозалаб, кейин дафн қилиш одатига амал қилишга мажбур бўлишган.

Бундан ташқари, Хоразмда христианлик дини ўзига яраша таъсир кучига эга бўлганидан нумизматик материаллар ҳам гувоҳлик беради. 1991 йилда Шовот туманида хоразмшоҳ кумуш тангалари хазинаси топилади [14, б.51-52]. Тангалар Беруний рўйхатида ҳам, хитой манбаларида ҳам тилга олинувчи хоразмшоҳ Савшафанга тегишли эканлиги аниқланган.

Бизни қизиқтирган ушбу ҳукмдорнинг тангалари бошқаларидан танганинг олд томонидаги ҳукмдор тасвирининг орқасида несториан хочи кўринишидаги иконанинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Худди шу белги бошқа африғий ҳукмдор Азқацвар (Абдуллох) тангаларида ҳам бор. Қизиғи шундаки, бу иккала ҳукмдор ҳам араблар истилосидан кейин ҳукмронлик қилган. Демак, хоразмшоҳлар Савшафан ва Азқацвар ҳукмронлиги даврида бу ерда, исломдан кейин бўлса-да, христианлик ғоялари кенг тарқалган бўлган. Хоразмшоҳлар кумуш тангаларида хоч белгисининг пайдо бўлиши уларнинг ҳукмронлик қилган давридан келиб чиқилса, VIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Шу ерда савол туғилади: несторианлар кимлар ва Марказий Осиёга улар қандай қилиб келиб қолишган?

Мазкур таълимотнинг асосчиси Несторий ҳисобланиб, у милодий 428-431 йилларда Константинопол патриархи бўлган. 431 йилда несторианлик эътиқоди Эфесдаги тўртинчи халқаро соборда лаънатланган ва шундан кейин Византия черкови нуқтаи-назаридан улар еретиклар сифатида қараладиган бўлди. Несторийнинг таълимотига кўра, Исо Масихда илоҳийлик ва инсонийлик табиатлари мужассамлашмаган (яъни Исо – одам фарзанди) бўлиб, шуниси билан унинг эътиқоди православ (халкедон) христианлигидан фарқ қилган. Илк ўрта асрларда несторианлик Марказий Осиёдаги Марв, Самарқанд ва Тороз шаҳарларида кенг тарқалган.

Эфес соборидан кейин Константинопол черковидан бутунлай ажралиб чиққан ва Византияда қувғинга учраган несториан христианларининг Шарққа йўли насронийларга аввалдан таниш бўлган Эрондан бошланган. IV асрда шаклланган форс черкови 424 йили мустақил бўлиб, ўз соборида 486 йилда несторийлик эътиқодини қабул қилади. Унга кўра, Иисус – бу одам, муқаддас руҳнинг кириб келиши орқали у масих (Христ) бўлган. Айнан Эрон орқали несторий христианлари Марказий Осиёга кириб келишни бошлайди, улар эътиборини аввало халқаро савдо йўлида жойлашган йирик шаҳарларга қаратади.

Христианларнинг Марказий Осиёдаги энг дастлабки қўним топган жойи Марв шаҳри бўлган. Археологик материаллар Марвдан 15 км шимолда, Хоразм томонга борадиган қадимги йўл бўйида V-VI асрларга тааллуқли Хароба кўшук ибодатхонаси мавжуд бўлганини тасдиқлайди. Хароба кўшук барча белгилари билан христиан черковини ифодалайди [15, б.128]. V аср бошларида бу ерда ибодатхонадан ташқари митрополия ва монастырлар ҳам фаолият юритишни бошлайди [14, б.10].

Христианларнинг Марвдан кейинги Марказий Осиёдаги иккинчи муҳим маркази Сўғд

бўлган. V аср бошларида Сўғд пойтахти Самарқандда митрополияга асос солинади. Ибн Хавқалнинг хабар беришича, ҳатто X асрда ҳам Самарқанд атрофидаги қишлоқда христиан монастыри бўлган ва араб сайёҳи бу ерда ироқлик христианларни учратганини ёзади [16, б.46].

Сўғдийлар ўз мамлакатидан ташқарида, ҳатто Хитойгача бўлган ерларда христианликнинг фаол тарғиботчилари бўлишган: Шарқий Туркистондан сўғдий тилидаги насронийлик матнлари топилган; Турфан шаҳрида уйғур ҳокимияти томонидан христиан жамоаси расман қўллаб-қувватланиб турилган [17, б.9-12].

Христианликнинг несториан мазҳаби эфталийлар ва туркийлар орасида ҳам тарқалгани тўғрисида маълумотлар бор: 549 йилда эфталийлар несторий патриархидан уларга епископ тайинлашни сўрайди; бухорхудот кўшинидаги аксарият турк аскарларининг манглайларида хоч белгиси бўлган [18, б.9-124].

Марказий Осиё минтақасида христианликнинг ёйилишини фақатгина миссионерлик ҳаракатининг натижаси ўлароқ кўрмаслик керак, бу насронийларнинг Олд Осиёдан кўчиши ва Хитойга элтадиган йўлларда савдо колониялари ташкил этилиши билан боғлиқ табиий бир жараён бўлган.

Шу ерда ҳақли савол туғилади: Хоразмга ушбу диннинг ғоялари қаердан кириб келган? С.П. Толстов христианлик Амударёнинг қуйи оқими ҳудудларига Шарқий Европа орқали кириб келган, деб ҳисоблайди. Бунда у Беруний баён қилган хоразмлик меликий христианларнинг маросимлари ичидаги “каландас” байрамига (унинг муқобилларини шарқий европалик христиан халқларидан излаган ҳолда) ҳамда XIII аср италян сайёҳи Плато Карпини қолдирган қуйидаги хабарга таянади: “Улар (мўғуллар) Урганч (Орнас) деб номланувчи шаҳарга қарши юриш қилишди. Бу шаҳар жуда кўп халқли, чунки у ерда хазар, рус, алан ва бошқалардан иборат кўплаб христианлар, шунингдек сарацинлар (мусулмонлар) бўлган; шаҳар устидан ҳукмронлик сарацинларга тегишли” [3, б.90].

Ушбу нуқтаи-назарни танқид қилмаган ҳолда, В.Н. Ягодин хоч ва юлдузлар композициясидан иборат несториан санъатига эътибор қаратишни сўрайди. Буларга асосланиб, у насронийлик тарғиботи сурёний-форс, яъни несториан черковига тегишли бўлиши мумкинлигини таҳмин қилади.

Хоразм тарихини ўрганишда ўзларининг ўчмас изларини қолдирган юқорида номи зикр қилинган олимларнинг беназир илмий меҳнатларини ҳурмат қилган ҳолда шуни кўшимча қилиш мумкинки, Хоразмда христианлик дини тарихига оид ёзма ва моддий манбалар бу ҳудудга насронийлик Хуросон орқали олд осиелик юнонлар томонидан олиб келинганини кўрсатади. Беруний ҳам ўз асарида бир неча жойда Хоразмга жануб ва жануби-шарқ томондан яқин бўлган ўлкаларда юнон-меликийлар бўлганини эслатиб ўтади: “Хуросон меликийларининг митрополити Марвда туради... ислом мамлакатларидаги меликийлар “католикоси” Бағдодда туради – у Антиохия патриархи қўл остидадир... Канун қадим ойининг ўн саккизинчи куни хуросонлик католикос Сисин хотирланади. Шубот ойининг бешинчи куни христианликни биринчи бўлиб Хуросонга келтирган католикос Сис хотирланади” [5, б.324, 327].

В.Н. Ягодиннинг хоразмлик христианларни яқин шарқликларга мансублаши ўринли, лекин унинг Миздахқон оссуарийларидаги христианлик хочларини несторианларга тегишли, деган мулоҳазаси баҳслидир. Миздахқон қабристони остадонларидаги хоч тасвирлари кўпроқ Константинопол черкови хочларини эслатади, меликийлар эса, юқорида таҳлил қилинганидек, сурёний несторийлардан фарқли ўлароқ, Византия черковига содик, ўз диний ибодатларида унга эргашган юнонлардир.

С.П. Толстов Хоразмдаги христиан колониясининг миллий таркибига (хазар-рус-алан) асосланиб Хоразмга христианлик қаердан келганлигини таҳмин қила туриб, тагин Карпинининг хабари Берунийникидан икки ярим аср кейин келаётганини ҳам тан олади. Шунинг учун ҳам олим мутахассисларни бундан олдинги қадимги маълумотлар бор-йўқлигини аниқлаштиришга чақиради. Бу борадаги кейинги илмий изланишлар Хоразмга илк ўрта асрларда христианлик дини Яқин Шарқ тарафдан келган бўлиши мумкинлигини ё

тасдиқлаши, ёки инкор қилиши мумкин.

Бу жараёни тушуниш учун энг муҳим иш Хоразмнинг илк ўрта асрлардаги узоқ юз йиллар давомидаги халқаро алоқаларини тадқиқ қилишдир. Маълумки, Хоразм бутун бир тарихи давомида бир тарафдан Яқин ва Ўрта Шарқнинг қадимги цивилизация вилоятлари, иккинчи тарафдан Шарқий Европа ва Ғарбий Сибир халқлари ўртасидаги алоқаларнинг энг муҳим халқаларидан бири бўлиб келган.

Ушбу масала юзасидан бир муҳим воқеа кўз олдимизда гавдаланади: VI асрнинг иккинчи ярмида Византиянинг эрон сосонийларига қарши курашда иттифоқчи топиш учун Марказий Осиё ичкарасидаги дипломатик фаоллигидир. Бу даврга оид воҳа худудидан топилган византия манбалари Хоразм ва Византия ўртасида дипломатик-савдо алоқалари бўлганлигини билдиради. Грек элчиси Земарх Ғарбий Турк хоқонлигидан орқага – Византияга қайтаётганда, у билан бирга Константинополга турк (сўғд) элчиси ва холият халқининг вакили ҳам боради; Земархнинг маршрути холиятлар юрти орқали ўтади. Менандр бизга таништирган холиятлар аллақачон рус йилномаларидаги хвалислар (яъни хоразмликлар) билан айна бир деб қаралади [19, б.18-19].

VI аср иккинчи ярмидан бошлаб Византия билан савдо-дипломатик алоқалари кенг йўлга қўйилади. Византиялик христиан савдогарлар олис ўлкаларда ўз диндошларини учратишдан манфаатдор бўлишганки, Марказий Осиё мулклари ва кўчманчи турклар орасида христианликнинг ёйилиши давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Византиялик тарихчи Менандрнинг ёзишича, хоқон Истеми ипак савдосини кенгайтириш учун Византия билан муносабат ўрнатиш мақсадида 568 йилда юнонларга ўз элчиларини юборадики, улар Византияга Эронни ошиб ўтиб Хоразм орқали, Каспий денгизи шимоли ва Кавказ орқали жуда узоқ ва машаққатли йўл билан етиб боришади [14, б.23]. Элчилар агар икки ўртада савдо алоқалари ўрнатилса, империяга уларнинг душманларига қарши курашида хоқонлик томонидан ёрдам берилишини билдиришади. Бу вақтга келиб, ўзининг ғарбий худудларини йўқотишни бошлаган ва Эрон билан кучли сиёсий рақобатга кирган Византия бор эътиборини Шарққа қаратади ва шу тарзда, византия-турк савдо алоқалари ўрнатилади.

VI асрда Сўғдни Византия билан Шимолий Кавказ орқали боғлайдиган доимий савдо йўлига асос солинди [20, б.55-78]. Афтидан, сўғдийларнинг бу йўли Хоразм орқали ўтган бўлса керак. Хоразмнинг Византия билан дастлабки яқинлашиши ҳам Хоразмга Шимолий Қора денгиз минтақасидан христиан миссионерларининг кириб келишига сабаб бўлган бўлиши ва улар бу ерда Эрон ва Шомдан келган насроний муҳожирлар билан учрашган бўлишлари мумкин.

Ҳатто араблар даврида Яқин Шарқ билан боғловчи жанубий йўллар қайтадан жонлангандан кейин ҳам шимолий тармоқ ўз аҳамиятини йўқотмаган, у орқали Итил Булғорияси ва Киев Руси билан алоқалар бўлиб турган. Византия билан тўғридан-тўғри савдо-дипломатик алоқалар Марказий Осиё шаҳарларига келиб ерлашган христианларнинг фаол силжишига имконият яратиб берди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилинса, Хоразм худудида исломгача бўлган даврда аҳолининг катта қисми зардуштийликка эътиқод қилган бўлса-да, шунинг билан биргаликда, бу ерда христианлик дини ҳам кенг тарқалганини, бу дин Хоразмга халқаро савдо йўллари орқали кириб келганини кўришимиз мумкин.

Иқтибослар/References:

1. Бартольд В.В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период. Записки Восточного отдела Археологического общества, VIII, СПб, 1893 (Bartold V.V. About Christianity in Turkestan in the pre-Mongol period. Notes of the Eastern Department of the Archaeological Society, VIII, St. Petersburg, 1893)
2. Бартольд В.В. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. т. 2 ч. 2, М., 1964 (Bartold V.V. Works on selected problems of the history of Central Asia. t. 2 part 2, М., 1964)

- 1964)
3. Толстов С.П. Новогодний праздник “каландас” у хорезмийских христиан XI века, СЭ, 1946, №2 (Tolstov S.P. New Year's holiday “Kalandas” among Khorezm Christians of the 11th century, SE, 1946, No. 2)
 4. Ягодин В.Н., Ходжайов Т.К. Некрополь древнего Миздакхана. Т., 1970 (Yagodin V.N., Khodzhayov T.K. Necropolis of ancient Mizdakhan. T., 1970)
 5. Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар (Осор ал-боқия). Тошкент, 2020 (Beruni, Abu Raykhan. Relics from ancient peoples (Al-asar al-baqiya). Tashkent, 2020)
 6. Селезнев Н. Мелькиты в арабо-мусульманском традиционном религиоведении. Точки/Puncta, 3-4/10/2011 (Seleznev N. Melkites in Arab-Muslim traditional religious studies. Points/Puncta, 3-4/10/2011)
 7. <https://www.britannica.com/topic/Melchites>
 8. Селезнев Н. Н. Сиро-палестинская мелькитская традиция: история обретения и утраты культурного своеобразия // Вестник Российского государственного гуманитарного университета. Серия: Востоковедение. Африканистика. 2011. № 2 (Seleznev N. N. Syro-Palestinian Melkite tradition: the history of the acquisition and loss of cultural originality // Bulletin of the Russian State University for the Humanities. Series: Oriental Studies. African Studies. 2011. No. 2)
 9. Meyendorff, John. Imperial Unity and Christian Divisions: The Church 450–680 A.D. New York, 1989
 10. Ремпель Л.И. Некрополь древнего Тараза//КСИИМК. М., 1957. Вып. 69 (Rempel L.I. Necropolis of ancient Taraz. M., 1957. Issue. 69)
 11. Пачос М. Новые находки оссуарных захоронений на территории Афрасиаба. Проблемы археологии Средней Азии, Л., 1968 (Pachos M. New finds of ossuary burials on the territory of Afrasiab. Problems of archeology of Central Asia, Leningrad, 1968)
 12. Борисов А.Я. К истолкованию изображения на биянайманских оссуариях, ТОВЭ, т. II, Л., 1940 (Borisov A.Ya. On the interpretation of the image on the Biyanaiman ossuaries, TOVE, vol. II, L., 1940)
 13. Пугаченкова Г.А. Хароба-Кошук // ИАН ТССР, 1954, N 4; Дресвянская Г. Христианский некрополь древнего Мерва. Материалы научной конференции аспирантов ТашГУ, Ташкент, 1966. С. 49-50; Михеева А.А. (Китаева). К вопросу об интерпретации захоронений некрополя древнего Мерва. // КСИА, вып. 247. М., 2017. С. 296-310 (Pugachenkova G.A. Kharoba-Koshuk // IAN TSSR, 1954, N 4; Dresvyanskaya G. Christian necropolis of ancient Merv. Materials of the scientific conference of graduate students of Tashkent State University, Tashkent, 1966. P. 49-50; Mikheeva A.A. (Kitaeva). On the question of interpretation of the burials of the necropolis of ancient Merv. // KSIA, vol. 247. M., 2017. pp. 296-310)
 14. Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. Ташкент, 1994 (From the history of ancient cults of Central Asia. Christianity. Tashkent, 1994)
 15. Пугаченкова Г.А. “Пути развития архитектуры Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма. М., 1958 (Pugachenkova G.A. “Ways of development of architecture in Southern Turkmenistan during the era of slavery and feudalism. M., 1958)
 16. Камолитдин Ш. Ибн Хаукал и его труд “Сурат ал-ард”. Часть 3 (Kamoliddin Sh. Ibn Naukal and his work “Surat al-ard”. Part 3)
 17. Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийцы в Центральной Азии // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов Международного семинара Юнеско, Ташкент, 1990 (Klyashtorny S.G., Livshits V.A. Sogdians in Central Asia // Formation and development of the routes of the Great Silk Road in Central Asia in antiquity and the Middle Ages. Abstracts of reports of the UNESCO International Seminar, Tashkent, 1990)
 18. Никитин А.Б. Христианство в Центральной Азии (древность и средневековье).

- Восточный Туркестан и Средняя Азия. М., 1987 (Nikitin A.V. Christianity in Central Asia (antiquity and the Middle Ages). Eastern Turkestan and Central Asia. M., 1987)
19. Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. СПб., 1877 (Veselovsky N. Essay on historical and geographical information about the Khiva Khanate. StP., 1877)
 20. Иерусалимская А.А. О северокавказском Шелковом пути в раннем средневековье // СА, 1967, №2 (Ierusalinskaya A.A. About the North Caucasian Silk Road in the Early Middle Ages // SA, 1967, No. 2)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000